
"Маънавият карвони" Катпут, Янгиариқ, Толкўча МФЙ фуқаролари иштирокида ўтказилган маданий-маърифий тадбирда

"Маънавият карвони" доирасида Олтиариқ туманидаги Катпут, Янгиариқ, Толкўча МФЙ фуқаролари иштирокида ўтказилган маданий-маърифий тадбирда пойтахтдан ташриф буюрган тарғибот гуруҳи - Ўзбекистон Халқ артисти Мансур Тошматов, Ўзбекистон Халқаро академияси доценти, тарих фанлари доктори Раъно Тошпўлатова, Маънавият маркази катта илмий ходими, фалсафа фанлари доктори, Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Шаҳло Аҳророва, Ўзбекистон фанлар академияси Давлат ва ҳуқуқ институти бўлим бошлиғи, юридик фанлари доктори Миродил Баратов, "Ниҳол" мукофоти совриндори Адолат Исмоилова, олтиариқлик санъаткорлар Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Қиличбек Тожиев, хонанадалар Абдужалил Қўқонов, Нуриддин Бўтабеков, Элбек Мадалиев, Достонбек Зухриддинов, Алломжон Муниров, Саиджон Раҳимов, шоир Шухрат Аҳмедов каби ижодкорлар иштирок этдилар. Тарғибот гуруҳи томонидан янги таҳрирдаги Конституциямиз мазмун-моҳияти, ундаги халқчил ва инсонпарварлик ғоялари талқин этилди.

2023-04-01 09:32:10